

ЁШ СПОРТЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИННИ АНИҚЛАШ БҮЙИЧА НАЗОРАТ ЎТКАЗИШ

Д.Н.Рахматова

Педагогика фанлари доктори (DSc) профессор в.б.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7821497>

Аннотация: Мақолада, енгил атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик даврида машғулотлар жараёнини тақомиллаштириши орқали 10-16 ёши ўсмирларнинг чидамлилик сифатларини ривожлантириши ҳамда чидамлиликни ривожлантириши воситалари ва усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Енгил атлетика, чидамлилик сифати, машғулот жараёнини тақомиллаштириши, восита, усуллар ўқув-машғулот.

ПРОВЕДЕНИЕ КОНТРОЛЯ ПО ОПРЕДЕЛЕНИЮ УРОВНЯ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ

Аннотация: В статье представлена информация о средствах и методах развития выносливости подростков 10-16 лет путем совершенствования тренировочного процесса спортсменов в многолетний тренировочный период.

Ключевые слова: Легкая атлетика, качество выносливости, совершенствование тренировочного процесса, средства, методы тренировки

CONDUCTING CONTROL TO DETERMINE THE LEVEL OF DEVELOPMENT OF PHYSICAL QUALITIES IN YOUNG ATHLETES

Abstract: The article presents information about the means and methods of developing the endurance of adolescents aged 10-16 by improving the training process of athletes in a long-term training period

Keywords: Athletics, quality of endurance, improvement of the training process, means, methods of training

КИРИШ

Дунёнинг кўпгина давлатларида машғулот жараёнини самарали ташкил қилишда бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчи ўсмирларнинг чидамлилик сифатини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Барча спорт турларида чидамлилик қобилиятини шакллантириш ёш спортчиларни тайёрлаш тизимининг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади. Чидамлилик спортчининг ҳаракат фаоллигини сақлаб қолиш қобилиятини спорт амалиётида намоён қилиш ва юкламаларни аэроб-анаэроб шиддат зоналари бўйича табақалаштириш талабларини қўйимоқда. Шу сабабли ўқув-машғулот жараёнини оқилона ташкил этиш муҳим жисмоний сифатлардан бири бўлган чидамлиликни шакллантириш самарадорлигига эришиш имконини яратмоқда.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида енгил атлетика билан шуғулланувчи спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, ўсмирларда чидамлилик сифатини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-машғулот жараёнини ҳамда машғулот юкламаларни режалаштиришда юкламаларнинг шиддат зоналари бўйича тақсимланиши, ташкилий-услубий кўрсатмалар самарадорлигини ошириш йўлларини излаб топиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Шу билан бирга, кўп йиллик тайёргарлик босқичларида ўсмирларда чидамлиликни ривожлантиришга қаратилган модел тавсифларни ишлаб чиқишга деярли эътибор берилмаган, ўсмир шуғулланувчиларнинг чидамлилик

сифатини кўп йиллик тайёргарлик тизимида шакллантиришга илмий асосланган ёндашувларни амалга ошириш долзарблигича қолмоқда.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

югуришга ихтисослашган 10-16 ёшли енгил атлетикачи ўсмир спортчиларда чидамлиликни ривожлантириш воситалари ва усулларидан фойдаланиш самарадорлигини назарий асослаш ҳамда тажрибада текширишдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ўрта ва узоқ масофаларга югуришга ихтисослашган 10-16 ёшли енгил атлетикачи ўсмир спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланиши даражасини инобатга олган ҳолда уларда чидамлиликнинг ривожланиши даражасини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг анаэроб имкониятларини ошириш учун самарали усуллардан бири ҳисобланган оралиқ машғулотни қўллаш ҳисобига маҳсус чидамлиликни ривожлантириш.

ТАДҚИҚОДНИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА МУХОКАМАСИ

Турли ёш даврларида жадал ривожланувчи умумий ва маҳсус жисмоний сифатларни фарқлаш қабул қилинган. Умумий тайёргарлик жисмоний сифатлар, органлар ва тизимларнинг функционал имкониятлари, мушак фаолияти жараёнида уларнинг намоён бўлиш даражасини ҳар томонлама ривожлантиришни назарда тутади. Замонавий машғулотлар умумий тайёргарликни ҳар томонлама ривожлантиришга эмас, балки спорт натижалари даражаси ва машғулот жараёни самарадорлигига нисбатан маълум таъсирга эга бўлган сифатлар ва ҳусусиятларни такомиллаштиришга йўналтирилган.

Организмнинг аэроб иш унумдорлиги ҳамда куч ва куч чидамлилигини оширувчи циклик ва ўйин машқларининг хилма-хил турлари, болалар ва ўсмирларда жисмоний сифатларни физиологик жиҳатдан ривожлантириш воситалари ҳисобланади.

Тезкорликни юқори даражада ривожлантириш спринтерлар маҳсус тайёргарлигига қўйилган асосий талаб ҳисобланади. Ушбу сифат ҳаракат реакциясининг вақтингчалик яширин даври, якка ҳаракат тезлиги, вақт бирлигидаги ҳаракатлар частотаси ва ушбу кўрсаткичлар ҳосиласи – куч майдонида ҳаракатланиш тезлиги билан тавсифланади. Асаб жараёнларининг қўзғалувчанлиги, мушакларга узатилган асаб импульсларининг амалга оширилиш тезлиги ва самарадорлиги ҳамда энергетик ҳусусиятлар тезкорлик асоси ҳисобланади.

Спортчилар жисмоний тайёргарлигига куч имкониятларини ривожлантириш муаммоси алоҳида ўринга эга. Куч-бу, биринчи навбатда, мушак вазнининг ҳажми ва ҳолатига, иккинчи даражада бошқа ҳусусиятларга боғлиқ бўлган жисмоний сифатдир. Жисмоний сифат каби одамнинг мушак кучини аниқлашда мушак кучланиши ҳисобига ташқи қаршиликни енгib ўтиш ёки унга қаршилик кўрсатиш қобилияти назарда тутилади.

Мушак кучини маълум ишга нисбатан организмнинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичи сифатида қўллаш лозим. Мушаклар кучи, шахснинг мушак толалари диаметри ва тузилиш ҳусусиятлари, мушаклардаги пайлар ва алмашинув жараёнлари нисбати билан боғлиқ бўлган морфологик ҳусусиятларнинг билвосита кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкин. Мушакларнинг куч катталиги нафақат морфологик ҳусусиятлар, балки ташқи қаршилик ва у шаклланиб борадиган иш тартиби билан узвий боғлиқдир. Мушак кучи бир сутка давомида ўзгаради ва биологик ритмга бўсунади, бу эса нафақат тузилиши, балки мушак массасининг ифодаланиши уни намоён бўлиш имкониятларига таъсир

кўрсатишини яна бир бора таъкидлайди.

Кўпгина тадқиқотчилар мушак кучи ортишини оқсил алмашинуви, мушакларда оқсил сентезини рағбатлантирувчи, демак, балоғат ёшидаги қизларда мушак кучи ривожланишига таъсир кўрсатувчи эндокрин тизимнинг ишга тушиши билан боғлайдилар. Бироқ сенситив даврнинг ўзи эмас, балки шу даврда морфофункционал ҳусусиятларга кўра қатъий мувозанатлаштирилган ва тартибга солинган юкламаларгина асаб-мушак алоқаларининг шаклланишига ва жисмоний машқлар ўқув-машғулот дарслари таъсири остида мушакларда қисқариш элементларининг ривожланишига олиб келади.

Мушаклар кучи мушакларнинг таранглик даражаси ҳамда ташқи қаршилик ёки оғирликка қарши таъсир катталиги билан тавсифланади. У максимал куч, тезкор-куч қобилияtlари ва куч чидамлилиги кўринишларида намоён бўлади. Максимал куч ихтиёрий қисқаришнинг максимал кучига, мушакларнинг қобилиятига, тезкор-куч ташқи қаршиликни максимал даражада тез енгиб ўтиш қобилиятига боғлиқ. Куч чидамлилигини давомли куч ишига бўлган қобилият сифатида таърифлаш мумкин.

Секин ва тез мушак толалари чидамлилик, яъни давомли қисқаришларга қодирлиги бўйича фарқланади. Секин толалар жуда бой капилляр тўрларга эга, бу эса уларга қондан катта миқдорда кислород олишга имкон беради, миоглобин миқдорининг ошиши эса уни мушак хужайралари ичida митохондрияларга ташилишини енгиллаштиради. Бу толаларда митохондриялар миқдори жуда кўп бўлиб, кислотали субстратлар – ёғларнинг ортиқча миқдорига эга ва оксидловчи ферментлар фаоллигининг юқорилиги билан тавсифланади. Секин оксидловчи мушак толалари чидамлиликка давомли ишлаш учун тавсифли куч бўйича унча катта бўлмаган давомли мушак қисқаришларини таъминлашга мослашган. Циклик спорт турларида спорт тайёргарлигининг муҳим масалаларини муваффакиятли ҳал этиш учун тезкор-куч сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган энг тартибли восита ва услубларни аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Тезкор-куч имкониятларининг максимал ўсиш даражаси 9-12 ва 14-15 ёшга тўғри келади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, тезкор-куч тавсифи каби сакровчанликни энг юқори ривожланиш чўққиси 9 ва 16 ёш орасида, яъни балоғатга этиш даврида қайд қилинади. Тезкор-куч қобилияtlарини ривожлантириш учун тўғри ва аниқ воситаларни танлаб олиш жуда муҳимдир. Машқлар танлови спортчининг индивидуаллиги, унинг морфологик ва асаб жараёнлари ҳусусиятларига мос келиши керак, бу эса машғулот юкламалари ҳажми ва жадаллигини оширмасдан мўлжалланган натижаларга эришига имкон беради.

Тезкор-куч қобилияtlарини самарали ривожлантириш учун статик, чекинувчи ва енгиб ўтувчи режимдаги мушаклар фаолияти билан боғлиқ бўлган машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Машқларни алоҳида-алоҳида эмас, балки битта машқлар мажмуасида иш тавсифини кескин ўзгаририш билан бажариш мақсадга мувофиқ. Ишнинг бундай ўзгариши нафақат мушаклар тизимини шуғуллантиради, балки турли тавсифга эга бўлган топшириқларни бажаришда асаб тизимини қайта созлашга ёрдам беради. Тавсифига кўра хилма-хил машғулот юкламаларининг энг оптимал нисбати енгиб ўтувчи режимда – 80%, статик ва чекинувчи режимларда эса – 10%.

Тезкор-куч қобилияtlарининг ривожланиш динамикаси шуни кўрсатадики, эрта ихтисослашиш кузатиладиган спорт турларида ушбу тайёргарлик даражасининг энг юқори ўсиш нуқтаси 7 ёшдан 12 ёшгача кузатилади, сўнгра кўрсаткичларнинг секинлашиши ва маромлашуви содир бўлади. 15-17 ёшда тезкор-куч кўрсаткичлари ўзининг энг максимал

чўққисига етади, кейинги такомиллашув эса маҳсус машғулотлар таъсирида содир бўлади.

15 ёшли ўсмирларда фақат маҳсус йўналтирилган машғулот таъсирида чидамлиликни такомиллаштиришга эришиш мумкин. Қиз болаларда максималдан 75% тезлик билан югуриш давомийлиги бўйича текширилган чидамлиликнинг энг катта ўсиши 13-14 ёшда кузатилади, 15-16 ёшда эса кўрсаткичлар пасаяди. Буни максимал тезликнинг катта даражада ўсиши ва кучнинг ортиши билан тушунтириш мумкин. Анализаторлар айнан ўсмирлик даврида ўзининг энг юқори даражасига етади, шунинг учун мураккаб ҳаракат стереотиплари пайдо бўла бошлайди.

Шундай қилиб, 12-16 ёшли спортчиларда тезкорлик, куч ва тезкор-куч сифатларининг ривожланиши маҳсус машғулот услублари таъсири остида содир бўлади ва циклик спорт турларида юқори натижаларга эришиш учун асос ҳисобланади.

Эпчилик жисмоний сифати деганда ҳаракат топшириқлари ҳал этиладиган ўзгарувчан шароитларга мувофиқ равишда ҳаракатларнинг биомеханикавий тузилмасини қайта куришга имкон берувчи одамнинг ҳаракат тизимини марказий ва периферик бошқариш вазифаларининг ўзаро ягона таъсири тушунилади.

Эпчиликнинг учта босқичи фарқланади. Биринчиси ҳаракатларнинг муҳит аниқлиги билан, иккинчиси – турли вақт бирлигига амалга ошириладиган ҳаракатлар аниқлиги ва учинчиси – ҳаракат давомида кутилмагандага вужудга келадиган ҳаракат вазифаларини ҳал этиш тезлиги билан тавсифланади.

Содда ҳаракатларнинг фазада мўлжал олиш аниқлиги эпчиликнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Адабиётларда қўл ва оёқларнинг энг содда ҳаракатларида ҳамда айрим асосий ҳаракатларни (аниқликка сакрашлар, нишонга улоқтириш) бажаришда болаларнинг мўлжал аниқлигини тавсифловчи маълумотлар мавжуд. Кичик мактаб ёшида вертикал нишонга улоқтиришда мерганликнинг ошиши кузатилади.

Эпчилик координациясига кўра мураккаб ҳаракатларни бажариш, уларни тез ўзлаштириб олиш, вужудга келган ҳаракат вазиятидан келиб чиқиб ҳаракатларни ўзгартира олиш қобилияти билан тавсифланади. Ушбу қобилият намоён бўлиши учун миянинг юқори даражадаги таҳлил-синтез вазифалари билан боғлиқ ҳаракат қўнималарининг заҳираси ва уларни қайта ўзгартиришга бўлган қобилият зарур.

12 ёшдан 16 ёшгacha бўлган даврни барча асосий ҳаракат қобилияларини ривожлантириш учун энг қулай давр деб ҳисобланади. Ҳар қандай ёш даврида болаларнинг ёши ва жисмоний тайёргарлигига мос педагогик жараён воситалари, услублари ва ташкилий шаклларини тартибли танлашга катта аҳамият берилади. Ягона эмас, балки тезкор-куч, куч сифатлари ва тезкор чидамлилик комплексини ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ўрта ва узоқ масофаларга югуришда юқори натижаларга эришиш учун югурувчининг маҳсус чидамлилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Маҳсус чидамлилик тезкорлик, умумий чидамлилик ва маҳсус кучнинг ривожланишига боғлиқ бўлган полиморф сифат ҳисобланади. Маҳсус чидамлилик югуришнинг мутлоқ тезлигига деярли боғлиқ эмас. Ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларда тезкорлик имкониятларининг асоси ҳисобланган умумий чидамлилик маҳсус чидамлилик билан ўзаро узвий боғлиқдир. Ўрта масофага ва марафон югуриши учун айнан югуришда иштирок этувчи мушакларнинг кучи катта аҳамиятга эга. Югуришда жуда кўп маротаба депсинишларни бажаришга бўлган зарурат чарчоқ замирида финишда оптимал максимал куч намоён эта олиш қобилияти тўғрисида маълумот беради.

Чидамлилик ривожланишининг ёш босқичлари ва унинг мақсадга йўналтирилган машғулот таъсири остида ўзгаришини ўрганиб, Ю.Г. Травин қуидаги ёш даврларини ажратиб берган.

Ўсмирлар: 10-12 ёшда – чидамлилик барқарорлашиш даври; 13-14 ёш – чидамлилик кўрсаткичларининг кескин ортиш даври; 15-16 ёш — чидамлилик даражасининг пасайиш даври; 17-18 ёш – чидамлилик кўрсаткичларининг янгидан ортиши ғоясига эга бўлган иккинчи ўсиш даври.

Турли ёш даврларида чидамлиликнинг ривожланиш хусусиятлари қуидаги ҳолатлар билан узвий боғлиқ:

1. Ўсаётган организмнинг анатомик-морфологик хусусиятлари.
2. Организм функциялари ва тизимларининг нотекис ривожланиши.
3. Сенситив даврларда машғулот юкламаларининг жисмоний сифатларни ривожлантиришга ўзига ҳос таъсири.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, жисмоний тарбиянинг асосий вазифаси дастлаб жисмоний сифатларни ривожлантириш зарур бўлган ҳаракат кўйикмаларига ўргатишига эмас, балки айнан жисмоний сифатларни ҳар томонлама уйғун ҳолда ривожлантириш ҳисобланади. Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатларга ўргатиши муваффакияти, аввало, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига, сўнгра ҳар бири алоҳида-алоҳида эмас, балки бир-бири билан мувофиқликда ривожланиб борадиган асосий жисмоний сифатларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ, чунки уларнинг барчаси ягона асаб-мушак аппарати вазифаси ҳисобланади. Ушбу хулоса қўшимча машғулотлар ва жисмоний тарбия дарсларига (ҳафтада камида 6 соат) нисбатан тўғри бўлиши мумкин.

Бир қатор муаллифларнинг ишлари ўқувчиларда жисмоний сифатлар орасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятларини тадқиқ этишига бағишиланган. Уларнинг таъкидлашича, ҳаракат сифатларини комплекс ривожлантиришда маълум кетма-кетликка роя қилиш ҳамда ёш-жинсга оид ривожланиш хусусиятларини инобатга олиш зарур. Бу машғулот амалиётида турли йўналишга эга жисмоний юкламаларнинг қатъий меъёрлаштирилиши билан таъминланади. Қизларда ва ўғил болаларда турли жисмоний сифатлар орасидаги ўзаро боғлиқлик миқдори ёши-жинсига кўра аҳамиятли фарқланишга эга.



1-расм. Ёш спортчиларда чидамлиликни ривожлантириш воситалари ва усуллари

Шунга мувофиқ жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун турли воситалар ва уларнинг комбинацияларидан фойдаланиш ва уларни ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларига мос равища мөъёрлаш ва тартибга солиш мақсадга муҳим.

Ёш спортчиларда чидамлилик фақат шуғулланувчилар ўқув-машғулотлар жараёнида керакли даражадаги толиқишига етиб келганларидагина шакилланади. Чидамлиликни тарбиялашда толиқишининг нафақат чуқурлигини, балки унинг хусусиятини ҳам билиш жуда муҳим.

Чидамлиликни шакллантиришда асосий вазифа организмда керакли хусусиятга эга ва катталиқдаги жавоб ўзгаришларига эришиш ҳисобланади.

Енгил атлетика спорт турларида машқларни бажаришда машғулот юкламалари 5 та компонентлар билан ифодаланиши зарур; машқнинг шиддати, машнинг давомийлиги, дам олиш танаффуслари, дам олиш хусусиятлари ва такрорланишлар сони, шунингдек, чидамлиликни ривожлантиришнинг қуидаги усулларидан фойдаланиш керак: ўлчангандан юклама билан узлуксиз машқлар усули, такрорий ва танафусли машқ усули, ўйин усули, мусобақа усули ва айланма машғулот усули.



2-расм. 10-16 ёшдағы ўш спортчиларда аэроб чидамлиликни ривожлантириш воситалари ва усуллари

Биз 10-16 ёшдағы ўш спортчиларда аэроб чидамлиликни ривожлантириш воситалари ва усулларидан фойдаланиш схемасини ишлаб чиқдик (2-расм).

Схемадан күриниб турбиди, асосий мақсад- болалар организмининг аэроб имкониятларини ошириш. Аэроб қобилиятлар организмнинг кислороднинг ташилишини ҳамда унинг мушакларда утилизация қилинишини таъминлаш имкониятлари билан аникланади. Бундай хусусиятларга қуидаги тизимларнинг иш

унимдорлиги киради: 1. Ташқи нафаснинг дақиқлик ҳажми, максимал ўпка винтеляцияси, ўпкада газларининг диффузияси тезлиги; 2. Қон айланиш тизими, дақиқалик ва зарб ҳажми, ЮҚТ, қон ҳайдаш тезлиги. 3. Қон тизими: гемоглабин миқдори, кислороднинг тўқималарда утилизацияланиши.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш спортчиларда чидамлиликни ривожлантириш учун қуйидаги таркибий қисмларга риоя этиш керак:

- 1) машқнинг давомийлиги;
- 2) машқнинг шиддати;
- 3) такрорлашлар сони;
- 4) дам олиш танаффуслари давомийлиги;
- 5) дам олиш хусусияти.

Юқоридаги тавсияларни бажара туриб ва болалар организми хусусиятларини билиб, чидамлиликни шакллантиришга қаратилган ўқув-машғулот жараёнини мақсадли куриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 2017-йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли қарори. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сонли фармони. Lex.uz Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5368-сонли Фармони. Lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3907-сонли Қарори.
5. Верхонский Ю.В. Физиологические основы и методические принципы в беге на выносливость М.:2014.-80 с.
6. Волков Н.И. Интервальная гипоксическая тренировка М.: 2000.-90 с.
- Волков НИ. Биоэнергетика спорта: монография / Н.И. Волков, В.И. Олейников. - М.: Советский спорт, 2011. - 160 с.
7. Кулаков В.Н. Программирование тренировочного процесса высококвалифицированных бегунов на средние, длинные и сверхдлинные дистанции: автореф. дис. ... д-ра. пед. наук / В.Н. Кулаков. - М., 1995. - 48 с.
8. Рахматов Н.А., Махмудов Т.М., Мирзаев С. Чидамкорликнинг биокимёвий асослари ва уни ривожлантириш услублари //Биокимё: Дарслик. - Т., 2007. - Б. 390-396.
- 9.Рахматова Д.Н. Кўп йиллик тайёргарлик даврида югурувчилар ўқув-машғулот жараёни мониторинги // Fan -sportga ilmiy-nazariy jurnal. Ч.: №2.. 2022.- Б.10-12.
10. Рахматова Д.Н. 10-16 ёшли ўсмир спортчиларда чидамлиликни шакллантиришнинг илмий-методологик асослари. // Fan -sportga ilmiy-nazariy jurnal. Ч.: №4. 2022. - Б. 19-22.